




Меҳрнигор Хоним (1455, Юлдуз -1509, Бадахшон) - Юнусхоннинг Эсандавлат Бегимдан тугилган тўнгич кизи, Бобурнинг катта ҳоласи. Султон Аҳмад Мирзога турмушга чиққан. Шайбонийхон 1501 й. Меҳрнигор Хонимни ўз никоҳига олган. Бобурнинг ўғай бувиси Шохбегим Шахрисабздан Хуросонга жўнаганда Меҳрнигор Хоним у билан Хиротга борган. Муҳаммад Хусайн Мирзо уларни Кобулга - Бобур даргоҳига элтган (1504 й.). 1508 й.да эса жияни Мирзохон билан Бадахшонга борган. 1509 й. Муборакшоҳ уларни Қалъайи Зафарга таклиф қилган. Йўлда Абубакр Дуглатнинг ҳужумига учраб, Меҳрнигор Хоним шериклари билан асирликка тушган ва кўп ўтмай тутқунликда вафот этган.

"Бобур Энциклопедияси" китобидан